

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ УСЛУБИЙ ЖИҲАТДАН
ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ
ЧИҚИЛГАН АЙРИМ НАМУНАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ХУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 27 мартда қабул қилинган 823-сон қарори билан тасдиқланган “Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар режаси”нинг 20, 21, 23 - бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Сайловларни қонун талабларига тўла мос равишда ўтказиш, ягона ҳуқуқ амалиётини қўллаш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги намунавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқлансин:

-“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоларининг гувоҳномаси тўғрисида”ги намунавий низом (1-илова);

- халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят ва Тошкент шаҳар сайлов комиссияларининг асосий қарорлари рўйхати ва намунаси (2-илова);

- халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг асосий қарорлари рўйхати ва намунаси (3-илова).

Ушбу ҳужжатлардан сайлов комиссиялари фаолиятида фойдаланиш тавсия этилсин.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ваколатларига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича ҳам қарорлар қабул қилади.

2. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоларининг гувоҳномаси тўғрисида”ги намунавий низомни қабул қилсин ва амалиётга жорий этсин.

3. Мазкур қарор халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ижро учун юборилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари С. Курбонкулов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 октябрь,
№ 853.*

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2017 йил 5 октябрдаги 853-сон
қарорига 1-илова*

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА
ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ
ГУВОҲНОМАСИ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Ушбу Низом “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш, уларнинг гувоҳномаларини амалаётга жорий этиш тартибини белгилайди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоларининг (*бундан буён матнда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоси деб юритилади*) гувоҳномаси унинг ваколати ва шахсини тасдиқловчи хужжат ҳисобланади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзосининг гувоҳномаси тегишли халқ депутатлари Кенгашининг раиси томонидан имзоланади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзосига гувоҳнома тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайлов комиссияси таркиби тасдиқлангандан сўнг беш кунлик муддат ичида топширилади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси раиси гувоҳномасида тегишлилиги бўйича “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси раиси” деб ёзилади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоси ўз гувоҳномасидан ваколат муддати (5 йил) мобайнида фойдаланади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоси гувоҳномани авайлаб асраши учун масъулдир.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоси томонидан ўз гувоҳномасини йўқотган ёхуд яроқсиз ҳолга келгани ҳақида тегишли халқ депутатлари Кенгашига дарҳол ариза билан мурожаат қилиши, ариза матнига

“Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоси гувоҳномани йўқотганлиги ёхуд яроқсиз ҳолга келганлиги” сабабларини кўрсатиш лозим.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзосига гувоҳноманинг ўрнини вақтинча босувчи маълумотнома берилади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоси гувоҳномани йўқотган тақдирда у ушбу Низомда белгиланган тартибда гувоҳнома йўқолгани ҳақида ариза берган кундан бошлаб бир ой ичида янги гувоҳнома билан таъминланади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари муддати тугаганидан кейин гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоси сайлов комиссияси аъзолиги ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда гувоҳнома тегишли халқ депутатлари Кенгашига ўн кундан кечиктирмай қайтарилиши шарт.

Яроқсиз ҳолга келган, топиб олинган ёки ваколатлари муддатидан илгари тугатилган вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзосининг гувоҳномалари тегишли халқ депутатлари Кенгашига қайтарилганидан сўнг фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келтирилади (*кесми йўли билан*) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда йўқ қилинади ва бу ҳақда тузилган далолатнома идоравий архивда сақланади.

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА
ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОСИНИНГ
ГУВОҲНОМАСИ
ТАВСИФИ**

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзосининг гувоҳномаси 90X60 миллиметр ўлчамдаги қаттиқ чарм муқовали китобча кўринишига эга бўлади.

Сайлов комиссияси аъзоси гувоҳномасининг муқоваси тўқ қизил рангли бўлади.

Гувоҳноманинг олд томон марказида “ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ”, “ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ”, “ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ” деган матн жойлашган.

Гувоҳнома ички томонининг чапдан юқори қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган, пастрокда эса икки сатрда – вилоят ёки туман ёки шаҳар сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган йил ва сайлов комиссияси ваколати тугайдиган йилни кўрсатувчи рақамлар жойлашган.

Гувоҳнома чап томонининг ўнгдаги юқори қисмига бир сатрда “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI” сўзлари, пастрокда “GUVONNOMA” сўзи ёзилган бўлиб, ундан ўнрокда гувоҳноманинг тартиб рақами қўйилади. Ушбу матндан пастрокда алоҳида сатрда сайлов комиссияси аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек уч сатрда тегишли сайлов комиссияси номи ва «a`zosidir», тегишли сайлов комиссияси раиси бўлса «raisi» деган матн жойлаштирилади.

Гувоҳнома ички чап томонидаги ёзувлар лотин ҳарфларида битилган.

Гувоҳнома ички ўнг томонининг чап қисмида депутатнинг 30X40 миллиметр катталиқдаги рангли фотосурати жойлаштирилади. Фотосурат ўнг томонининг пастки бурчагига тегишли халқ депутатлари Кенгашининг гербли муҳри босилади.

Гувоҳнома ўнг томонининг юқори қисмида бир сатрда «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ» сўзлари, пастрокда бир сатрда «ГУВОҲНОМА» сўзи ёзилган бўлиб, ундан ўнрокда гувоҳноманинг тартиб рақами қўйилади.

Ушбу матндан пастрокда алоҳида сатрда тегишли сайлов комиссияси аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек уч сатрда:

тегишли сайлов комиссиясининг номи ва «аъзосидир», тегишли сайлов комиссияси раиси бўлса «раиси» деган матн жойлаштирилади.

Сайлов комиссияси аъзосининг фотосурати тагига: «халқ депутатлари вилоят (туман, шаҳар) Кенгаши раиси» деган матн ёзилади, тегишли халқ депутатлари Кенгаши раисининг имзоси, исми ва отасининг исми бош ҳарфи ва фамилияси қўйилади.

Гувоҳноманинг ички ўнг томонидаги матнлар кирилл ҳарфларида ёзилади.

Гувоҳноманинг ички томонлари оч мовий рангдаги оқ силлиқ тасвири туширилган қоғоздан тайёрланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири рангли кўринишда босилади. Гувоҳномадаги матнлар ва рақамлар қора рангда берилади.

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ ВА ТОШКЕНТ
ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АСОСИЙ* ҚАРОРЛАРИ
РЎЙХАТИ**

1. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгашига сайлов ўтказувчи _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) сайлов комиссияси раиси ўринбосари ва комиссиянинг доимий асосда ишловчи котибини сайлаш тўғрисида

2. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгашига сайлов ўтказувчи _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) сайлов комиссиясининг муҳри ва расмий бланкасини тасдиқлаш тўғрисида

3. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида

4. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгашига сайлов ўтказувчи _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) сайлов комиссияси регламентини тасдиқлаш тўғрисида

5. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тўғрисида

6. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) сайлов комиссияси аъзоларининг вазифалар тақсимооти тўғрисида

7. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилик жадвалини тасдиқлаш ҳақида

8. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгашига сайловларни ёритиш бўйича матбуот марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

9. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

**Сайлов комиссиялари ўз ваколатларига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича ҳам қарорлар қабул қилади.*

10. Халқ депутатлари _____ вилоят (*Тошкент шаҳар*) Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида

11. Халқ депутатлари _____ вилоят (Тошкент шаҳар)
Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

12. Халқ депутатлари _____ вилоят (Тошкент шаҳар)
Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини
тасдиқлаш тўғрисида

13. Халқ депутатлари _____ вилоят (Тошкент шаҳар)
Кенгаши депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган ташвиқот
плакатлари намуналари тўғрисида

14. Халқ депутатлари _____ вилоят (Тошкент шаҳар)
Кенгашига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий
овоз беришни ўтказиш тўғрисида

15. Халқ депутатлари _____ вилоят (Тошкент шаҳар)
Кенгаши депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА
САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН ВА ШАҲАР САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИНИНГ АСОСИЙ* ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ**

1. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказувчи _____ туман (шаҳар) сайлов комиссияси раиси ўринбосари ва комиссия котибини сайлаш тўғрисида

2. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказувчи _____ туман (шаҳар) сайлов комиссиясининг муҳри ва расмий бланкасини тасдиқлаш тўғрисида

3. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида

4. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказувчи _____ туман (шаҳар) сайлов комиссияси регламентини тасдиқлаш тўғрисида

5. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тўғрисида

6. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида _____ туман (шаҳар) сайлов комиссияси аъзоларининг вазифалар тақсимооти тўғрисида

7. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида _____ туман (шаҳар) сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилик жадвалини тасдиқлаш ҳақида

8. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига сайловларни ёритиш бўйича матбуот марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

9. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

10. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида

11. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш тўғрисида

**Сайлов комиссиялари ўз ваколатларига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича ҳам қарорлар қабул қилади.*

12. Халқ депутатлари _____ туман (шаҳар) Кенгашига депутатлар сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида

13. Халқ депутатлари _____ туман (*шаҳар*) Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

14. Халқ депутатлари _____ туман (*шаҳар*) кенгаши сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида

15. Халқ депутатлари _____ туман (*шаҳар*) Кенгаши депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган ташвиқот плакатлари намуналари тўғрисида

16. Халқ депутатлари _____ туман (*шаҳар*) Кенгашига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида

17. Халқ депутатлари _____ туман (*шаҳар*) Кенгаши депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида